

---

## Бағдод тумани Фавқулодда вазиятлар бўлимига энг сўнгги замонавий русумдаги ёнғин-қутқарув автомобили топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10-апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш туғрисида”ги ПФ-5706-сонли Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан Бағдод тумани Фавқулодда вазиятлар бўлимига КамАЗ русумли АЦ-40 4.2 4x4 шассидаги асосий ёнғин қутқарув автомобили топширилди.

Бағдод тумани ҳокими Юсуфжон Хусаиновга туман Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи, капитан Муслимжон Эргашовнинг маълум қилишича ушбу КамАЗ асосий ёнғин қутқарув автомобил сув сиғими 4000 литрни, кўпик ҳосил қилувчи модда сиғими эса 400 литрни ташкил этади.

2024-01-25 19:59:01